

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 86 (1348)
1
МАЙ
ЖУМА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи—коммунизм!

байрами



Москва. Қизил майдон.

Н. Грановский фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

БАҲОР БАЙРАМИ

Бугун улғур байрам — 1 Май! Бугун курашимизни меҳнаткаш дунёси ўзининг халқаро бирдамлик кунини, барча мамлакатлар ишчиларининг қардошлик кунини яна бир марта намойиш қилади. Бугун тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган барча халқларнинг қардошлик саломлари, жанговар тараоналари, улғур биродарликлари қитъалардан қитъалар оша қарот боғлаб, худди денгиз тўққинларидай зўр қудрат билан янграб эшитилади.

Бугун баҳор фасли, гул фасли. Бугун гуллар водиси улкан ва гўзал дийрмиш бўйлаб умумхалқ шодонаси кезади. Ўқлардан ўқларга чўзиллиб, кенг қудоз ёган серхосил олтин бошқалардан қонлар яратган ғаллакорлар ҳам, яшил квадратларнинг изодкорлари — уста пахтакорлар ҳам, янги ерларга сайқал берган коммунизм меъморлари—бинокорлар ҳам ана шу баҳор байрамини табриқлайдилар. Бизнинг баҳоримиз—совет дийрининг баҳори ўзининг бутун кўрқин, гўзаллиги билан бахтиёр, забардаст халқимизнинг ҳамини хушнуд, нур тўла чеҳраларида, байрам қолонналарида, қирмиш алволарида гул-гул яшнаб кўрилади.

Меҳнат шарафли, халқимизнинг тоғлари ҳам таққон қилинган қодир бўлган ижодий қудрати, дошмандлиги ва поваторлиги мамлакатимиздаги буюк муваффақиятларда ўзининг ёрқин ифодасини топтомоқда. Фаровонлик — халқимиз ҳаётининг кундалик ҳислати. Бу фаровон ҳаётининг ўзи улғур партияимизнинг азини, йўл-йўриқлари асосида қўлга киритди. Партия ва халқнинг азини билан Қозғонистон ва Сибирь ерлари ғалла қонига, ҳамини фаровонлик ўлкасига айланди. Бўз ерларнинг асрлар давомида қараб ётган жизганак юзлари яшнаб, қарқара бўлди. Минг йиллар давомида ўлик тандек, жонсиз чўзиллиб ётган Миразқўлга ҳаёт, баҳор келди. Навқирон Янгир шаҳри қал кўтарди. Кенг айдовлар бўрдоқи чорва молларининг серхосил макони бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси ўз кучига, ёрқин истиқболига ишонган қаҳрамон халқимизнинг фидокорона меҳнати самараларидир.

Улғур Коммунистик партияимизнинг доно донинча миллий сиебати туйфайли СССР халқларининг қардошлик оиласи ҳар томонлама мустақамлашмоқда қардош совет республикаларининг экономикаси ва маданияти гурқираб юксалмоқда.

Республикаимиз, шу жумладан областимизнинг қисфасига бир назар

ташлайлик: қараб тўймайсан киши! Чирчик, Сирдарёдаги улкан электр каскадлари улғур доҳимиз Владимир Ильич Ленин васитларининг амалга оширилганини кўрсатувчи маншалар. Гигант ГЭСлар кучи билан завод, фабрикаларнинг қалби тепмоқда, меҳнатимиз ҳаракатга келмоқда, хонадонлар уйини қуёш ёғуси каби равшан ёритиб турибди! Пойтахтимиз Тошкент бўлса Совет Шарқининг улкан маданият, фан марказидир.

Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори ва бахтидир. Халқ ўзининг шарафли бурчини — ифтихорини ҳамма вақт ҳамма нарсадан юксак қўйиб келади. Шунинг учун ҳам пахтани сеувун халқимиз суевса даштилар «оқ олтин» қонларига айлантирмоқда. Баҳодир миришкорлар ўзларининг бутун тажриба ва билимларини пахтачилликни янада ривожлантиришнинг буюк ишларига сарфламоқдалар. Ўзбек пахтакорлари партияимизнинг шонли XXI съезди қарорларига жавобан пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг охирига белгилаган даражага 1964 йилда эришиш ва шу йилнинг ўзидаёқ мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна, 1965 йилда эса 4 миллион тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Бугун етти йилликнинг биринчи баҳори. Шонли етти йилликнинг бу биринчи баҳори бизга бениҳоя кўп шодлик, меҳнат зафарларини олиб келди. Республикаимизнинг, шу жумладан областимизнинг саноат қорхоналари етти йилликнинг биринчи тўрт ойлик ишлаб чиқариш пиланини муваффақият билан бажардилар, областимиз пахтакорлари республикада биринчи бўлиб чигит экинчи тамомладилар. Бу йил пахта майдонининг яримидан кўпроғига квадрат-уялаб чигит экилади. Шу кунларда дашларимизда яшил квадратлар яшнамоқда. Баҳор мева-ларини ҳам тўқин олиб келди. Ўриклар ва шадоларлар, олма ва олча, гилослар шовул қилди, узумлар ҳосил тугмоқда. Етти йилликнинг биринчи баҳори — фаровонлик баҳори бўлди.

Партияимизга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат билан яшаётган, ижод қилаётган халқимиз зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан улкан режаларини амалга оширишга киришди. Чунки, буюк етти йиллик пиланида ифода этилган порлоқ истиқбол режалари халқимиз ҳаётини фаровон қилади ва уни коммунистик мўлқўчилик сари йўллайди.

1 Май — баҳор байраминингиз нутлуг бўлсин, азин зўрқонлар!

„Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетида

1959 йил 25 ва 27 апрелда академик Д. В. Скобелев раислиги остида «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлислари бўлди. Комитет халқаро Ленин мукофотлари бериш ҳақида тушган таклифларни кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Қуйида Комитетнинг Халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинади.

„Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун“ 1958 йилги Халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

„Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг 1959 йил 27 апрелдаги Қ А Р О Р И

Тинчликни сақлаш ва мустақамлаш учун кураш ишида қилган ғоят катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

Никита Сергеевич Хрущевга — СССРнинг жамоат ва давлат арбоби
Уильям Эдуард Бургарт Дюбуага — олим, ёзувчи, жамоат арбоби (АҚШ)
Отто Бухвицга — немис ишчилар ҳаракатининг арбоби (ГДР)
Костас Варналисга — ёзувчи (Греция)
Айвор Монтегюга — публицист, Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг аъзоси (Англия)

Комитет раисининг ўринбосарлари ГО МО ЖО, Луи АРАГОН.
Комитет аъзолари: Григорий АЛЕКСАНДРОВ, Джон БЕРНАЛ, Ян ДЕМБОВСКИЙ, Анна ЗЕГЕРС, Пабло НЕРУДА, Михаил САДОВИНУ, Сахб Сингх СОКХЕИ, Илья ЭРЕНБУРГ.

СССР Мудоффаа министрининг буйруғи

1959 йил 1 май

№ 112

Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари халқаро пролетар бирдамчилиги кунини, барча мамлакатлар ишчиларининг қардошлик кунини — Биринчи Май байрам қиладилар.

Совет Иттифоқининг халқлари Биринчи Май байрамини КПСС XXI съездининг тарихий қарорлари вужудга келтирган сиесий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда нишонламоқдалар. Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет кишилари коммунизм қурилишининг съезд томонидан қабул қилинган улғувор программасини амалга ошириш учун зўр ғайрат ва ижодий кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқаро кескинликни юмшатиш учун, жанжалли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш учун тинмай кураш олиб бормоқдалар. Аммо қуроллашнинг зўр бериб давом эттиратган ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари СССРнинг тинчлик йўлидаги ташаббусига доим қаршилик кўрсатиб келмоқдалар.

Бундай шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ватанимизнинг мудоффаа қобилиятини янада мустақамлаш чораларини кўрмай қоломайдилар.

Совет Армиясини, Авиациясини ва Флотий шаксий составини

СССР мудоффаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

нинг вазифаси — ўзининг ҳарбий маҳоратини тинмай оширишдан, янги ҳарбий техника ва қурол-яроғларни мукамал ағаллашдан, интизом ва тартибни мустақамлашдан, қўшинларнинг ҳушёрлиги ва жанговар тайёригини оширишдан иборат.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Сизларни меҳнаткашларнинг халқаро байрами — Биринчи Май кунини билан табриқлайман ва қутлайман ҳамда сизларнинг фахрли жанговар ишларинида янгида-янги муваффақиятларга эришувингизни тилайман!

Байрамни нишонлаш учун буюраман: Бугун, Биринчи Майда Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқи республикаларининг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Сталинград, Севастополь ва Одессада тўнлардан бир йўла янгирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин қудратли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин улғур совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Бизни коммунизмнинг нурли чўққилари сари қомил йиғиш билан бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!



